# IX. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 660,3 млн. АҚШ долларни ташкил этган, жумладан 302,0 млн. АҚШ долларини-экспорт, 358,3 млн. АҚШ долларини - импорт ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси -56,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

**Ташқи савдо айланмаси динамикаси**

*(млн.АҚШ доллари)*




Сўнги йилларда хукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификатция қилишни, экспортни қўллаб-кувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди. Жумладан, хом ашё экспортидан, қўшилган қиймати юқори ҳамда сармоя талаб товарлар экспортига йўналтирилган ташқи савдо амалга оширилмоқда.

**2020 йил январь-сентябрь ойлари вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши**

*(млн. АҚШ доллар ва фоизда)*







2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятда амалга оширилган ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 87,6 % га, МДҲ давлатлари 119,8 % ни ташкил этган бўлса, бошқа давлатлар 66,3 % га камайгани кузатилди.

Жумладан, жами экспорт айланмаси 116,0 % ни ва шундан МДҲ давлатлари 124,4 % ни ташкил этган бўлса, бошқа давлатларга 90,8 % ни ташкил этди.

Жами импорт айланмаси 72,7 % га пасайган бўлиб, ундан МДҲ давлатлари 111,5 % ни ташкил этган бўлса, бошқа давлатлар 62,1 % га пасайган.

2020 йил январь-сентябрь ойларида экспорт қилинган маҳсулотлар ва хизматлар таркиби бўйича таҳлил қилинганда, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан) 4,7 мартага ортганлиги, Рангли металлар 9,0 мартага, машина ва асбоб-ускуналар 51,2 % га, озиқ-овқат маҳсулотлари 98,4 % га, қора металлар 16,3 мартага кўпайган бўлиб, хизматлар эса 51,9 % га камайгани кузатилди.

**МДҲ ва бошқа давлатлар билан ташқи савдо айланмаси**
*(млн. АҚШ доллари)*

| | январь-сентябрь | | ўсиш суръати, % да |
|---|---|---|---|
| | 2019 йил | 2020 йил | |
| **Ташқи савдо айланмаси** | **753,6** | **660,3** | **87,6** |
| *шу жумладан:* | | | |
| МДҲ давлатлари | 300,5 | 360,1 | 119,8 |
| Бошқа давлатлар | 453,1 | 300,2 | 66,3 |
| **Экспорт** | **260,4** | **302,0** | **116,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| МДҲ давлатлари | 195,3 | 242,9 | 124,4 |
| Бошқа давлатлар | 65,1 | 59,1 | 90,8 |
| **Импорт** | **493,2** | **358,3** | **72,7** |
| *шу жумладан:* | | | |
| МДҲ давлатлари | 105,2 | 117,3 | 111,5 |
| Бошқа давлатлар | 387,9 | 241,0 | 62,1 |

## Вилоятдаги экспорт-импорт таркиби

| | Умумий ҳажмдаги улуши, % да | | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан % да |
|---|---|---|---|
| | 2019 йил январь-ентябрь | 2020 йил январь-сентябрь | |
| **Экспорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **116,0** |
| пахта толаси | - | 0,1 | 100,0 |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 34,3 | 29,1 | 98,4 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 0,4 | 1,6 | 4,7 м. |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 0,9 | 0,01 | 1,7 |
| қора ва рангли металлар | 0,3 | 4,3 | 16,3 м. |
| машина ва ускуналар | 4,6 | 2,0 | 51,2 |
| енгил саноат | 51,9 | 54,8 | 122,5 |
| хизматлар | 3,2 | 1,4 | 51,9 |
| бошқалар | 4,4 | 6,7 | 174,6 |
| **Импорт таркиби** | **100,0** | **100,0** | **72,7** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 8,1 | 14,3 | 129,0 |
| кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар | 18,0 | 20,6 | 83,2 |
| энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари | 0,6 | 2,1 | 2,5 м. |
| қора ва рангли металлар | 5,3 | 8,3 | 112,5 |
| машина ва ускуналар | 51,4 | 32,4 | 45,9 |
| хизматлар | 0,2 | 0,2 | 87,0 |
| бошқалар | 16,4 | 22,1 | 97,3 |

**Вилоят товар айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси**
*(2020 йил январь-сентябрь, % да)*



**2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоят ташқи савдо айланмаси юқори улушга эга давлатлар**

*(минг АҚШ доллари)*

| Давлатлар номи | Ташқи савдо айланмаси | Экспорт | Импорт |
|---|---|---|---|
| Россия | 162 711,5 | 99 180,4 | 63 531,1 |
| Хитой | 150 901,4 | 25 691,3 | 125 210,1 |
| Қирғизистон | 94 731,7 | 89 122,3 | 5 609,4 |
| Қозоғистон | 81 090,2 | 38 470,0 | 42 620,2 |
| Туркия | 39 496,5 | 11 452,9 | 28 043,7 |
| Германия | 14 368,1 | 3 263,1 | 11 105,0 |
| Жанубий Корея | 13 114,9 | 198,1 | 12 916,8 |
| Швецария | 12 125,9 | - | 12 125,9 |
| Ҳиндистон | 8 756,9 | 227,1 | 8 529,8 |
| Украина | 8 661,6 | 6 678,2 | 1 983,4 |
| Малайзия | 7 290,2 | - | 7 290,2 |
| Япония | 7 212,0 | 31,6 | 7 180,5 |
| Польша | 6 704,6 | 5 098,0 | 1 606,6 |
| Тожикистон | 4 822,0 | 3 618,6 | 1 203,3 |
| Туркманистон | 4 332,0 | 2 510,2 | 1 821,9 |
| Италия | 3 927,8 | 1 367,8 | 2 560,0 |
| Франция | 3 561,5 | - | 3 561,5 |
| Венгрия | 2 968,1 | - | 2 968,1 |
| Покистон | 2 550,4 | 2 533,3 | 17,1 |
| Эрон | 2 318,3 | 529,9 | 1 788,3 |
| Белоруссия | 2 179,0 | 1 685,2 | 493,8 |
| Афғонистон | 2 094,3 | 2 094,3 | - |
| Австрия | 1 921,2 | - | 1 921,2 |
| Литва | 1 900,9 | 120,2 | 1 780,8 |
| Нидерландия | 1 626,5 | - | 1 626,5 |

**2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар**

| Давлатлар номи | Вилоят товар айланмасида улуши % да | 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан % да |
|---|---|---|
| Россия | 24,6 | 109,0 |
| Хитой | 22,9 | 79,8 |
| Қирғизистон | 14,3 | 139,4 |
| Қозоғистон | 12,3 | 131,1 |
| Туркия | 6,0 | 37,2 |
| Германия | 2,2 | 71,1 |
| Жанубий Корея | 2,0 | 78,9 |
| Швецария | 1,8 | 15,9 м. |
| Ҳиндистон | 1,3 | 88,0 |
| Украина | 1,3 | 73,0 |
| Малайзия | 1,1 | 165,2 |
| Япония | 1,1 | 19,3 |
| Польша | 1,0 | 82,6 |
| Тожикистон | 0,7 | 3,7 м. |
| Туркманистон | 0,7 | 148,8 |
| Италия | 0,6 | 78,8 |
| Франция | 0,5 | 5,5 м. |
| Венгрия | 0,4 | 6,0 м. |

**2020 йил январь-сентябрь ойларида жами экспорт товарлари ҳажмида тармоқларнинг улуши** *(% да)*




Вилоятдан экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Швейцария ва Германия давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 84,3 % ни ташкил қилади. Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан енгил саноат маҳсулотлари озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришиммиз мумкин.

Хизматлар экспорти ҳажми 4 314,6 минг АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 1,4 % ни ташкил этди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт хизматлари, туризм хизматлари, молиявий хизматларидан иборат.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида жами экспорт товарлари ҳажми шаҳар ва туманлар кесмида**
*(минг АҚШ доллари)*

| | Январь-сентябрь | | Ўсиш суръати, % да |
|---|---|---|---|
| | 2019 йил | 2020 йил | |
| **Вилоят жами** | **260 414,6** | **301 995,4** | **116,0** |
| Наманган ш. | 83 371,5 | 71 468,7 | 85,7 |
| Мингбулоқ | 4 249,1 | 13 443,7 | 3,2 м. |
| Косонсой | 22 893,2 | 21 170,1 | 92,5 |
| Наманган т. | 15 182,2 | 17 477,0 | 115,1 |
| Норин | 10 650,0 | 16 872,8 | 158,4 |
| Поп | 9 183,6 | 9 313,4 | 101,4 |
| Тўрақўрғон | 36 516,8 | 48 576,8 | 133,0 |
| Уйчи | 12 097,3 | 17 179,7 | 142,0 |
| Учқўрғон | 20 719,7 | 14 307,1 | 69,1 |
| Чортоқ | 5 587,6 | 15 093,0 | 2,7 м. |
| Чуст | 16 191,3 | 13 879,2 | 85,7 |
| Янгиқўрғон | 18 872,7 | 40 100,5 | 2,1 м. |

**2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоят экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши,** *(% да)*




Вилоятдан экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Украина ва Польша давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт хажмининг 91,3 % ташкил қилади.

Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Украина ва Польша давлатларига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан енгил саноат маҳсулотлари озиқ-овқат маҳсулотлари гурухларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоятга 44 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган. Шулардан 7 та энг йирик бўлган Россия Федерацияси, Қирғизистон, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Туркия, Украина, ва Польша каби ҳамкор давлатларнинг жами импорт ҳажми 275 693,1 минг АҚШ долларга тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 91.3 % ини ташкил қилади.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида жами импорт товарлари ҳажмида тармоқларнинг улуши** *(% да)*




Жорий даврда импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида амалга оширилган импортнинг умумий ҳажмига нисбатан кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлари импортининг улуши 20,6 % ни, машина ва ускуналар импортининг улуши 32,4 % ни, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг улуши 14,3 % ни ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар импортининг улуши эса 22,1 % ни ташкил этди.

## 2020 йил январь-сентябрь ойларида жами импорт товарлари ҳажми шаҳар ва туманлар кесмида

*(минг АҚШ доллари)*

| | Январь–сентябрь | | ўсиш суръати, %да |
|---|---|---|---|
| | 2019 йил | 2020 йил | |
| **Вилоят жами** | **493 164,3** | **358 316,5** | **72,7** |
| Наманган ш. | 188 857,8 | 168 660,3 | 89,3 |
| Мингбулоқ | 2 709,6 | 10 837,2 | 4,0 м. |
| Косонсой | 34 722,0 | 21 436,9 | 61,7 |
| Наманган т. | 33 224,5 | 33 735,1 | 101,5 |
| Норин | 25 650,8 | 23 398,2 | 91,2 |
| Поп | 24 732,3 | 15 704,5 | 63,5 |
| Тўрақўрғон | 32 421,8 | 17 370,3 | 53,6 |
| Уйчи | 29 451,1 | 13 807,1 | 46,9 |
| Учқўрғон | 8 485,1 | 3 021,7 | 35,6 |
| Чортоқ | 9 058,6 | 5 501,4 | 60,7 |
| Чуст | 12 967,6 | 21 680,3 | 167,2 |
| Янгиқўрғон | 17 169,3 | 13 267,5 | 77,3 |

**2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоят импортида асосий ҳамкор давлатлар улиши,** *(% да)*




2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоятга 62 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган. Шундан 7 та энг йирик бўлган Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Туркия, Жанубий Корея, Германия ва Швейцария каби хамкор давлатларнинг жами импорт ҳажми 298 998,5 минг.АҚШ долларга тенг. Бу эса умумий импорт ҳажмининг 81,1 % ни ташкил қилади.